

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАКИМОВА МЕҲРИНСО ҲОМИТОВНА**

**МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА  
УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИАТЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Ҳакимова Меҳринисо Ҳомитовна**

Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг  
методик имкониятлари..... 3

**Ҳакимова Меҳринисо Ҳомитовна**

Методические возможности обеспечения непрерывности в процессе  
дошкольного и начального образования ..... 23

**Khakimova Mekhriniso Khomitovna**

Methodological possibilities of ensuring continuity in the process of preschool and  
primary education ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲАКИМОВА МЕҲРИНСО ҲОМИТОВНА**

**МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА  
УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИАТЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Ped 655 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қосимов Файзулла Муҳаммедович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Шодиев Ризамат Давронович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Джумаев Маманазар Иргашевич**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**


**Урганч давлат университети**


Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30. 12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» ноябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz).


Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «02» ноябр куни тарқатилди.

(2022 йил «02» ноябр даги 10 рақамли реестр баённомаси).

  
**С.Р. Қаххоров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, педагогика фанлари доктори,  
профессор

  
**А.Р. Жўраев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, педагогика фанлари, бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

  
**Х.О. Жўраев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар  
раиси, педагогика фанлари доктори (DSc),  
доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда мактабгача ва бошланғич таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим сифатини оширишда инновацион технологиялар ва электрон таълим воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш, таълим олувчиларнинг тасаввурини шакллантириш ва креатив сифатларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Сингапур, Япония каби давлатларда мактабгача ва халқ таълими тизимида узвийликни таъминлаш, ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги, нутқий кўникмаларини ривожлантириш, сўз бойлигини нутқий фаолият амалиётида қўллаш, ўйин ва ижтимоий ҳамда билиш компетенцияларини такомиллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот масалаларида ўқувчиларни таълимнинг фаол субъектига айлантириш, коммуникатив компетенцияларини халқаро стандартлар талаблари даражасида шакллантиришда фан ва таълим интеграциясини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мактабгача ва бошланғич таълимда ўқувчиларнинг нутқини ва ҳисоблаш малакасини медиатеchnологиялар воситасида ривожлантириш, бошланғич синфларданок ўз фикрини аниқ, раво ва таъсирчан етказа билишга қаратилган ижодий ва мантиқий характердаги ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш механизминини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга эътибор берилмоқда.

Республикамызда мактабгача ва халқ таълими соҳасини модернизациялаш моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали ёш авлод дунёқарашини шакллантиришнинг инновацион усулларини жорий этиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Мактабгача ва халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Мактабгача таълимни янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш<sup>1</sup>; муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш<sup>2</sup>» каби устувор вазифалар белгиланган бўлиб, бу борада мактабгача тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларида давлат талаблари ва бошланғич синф ўқувчиларининг таянч компетенцияларини шакллантиришда узвийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сонли Қарори.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим жараёнини педагогик лойиҳалаш, таълимга креатив ёндашув муаммоси бир қатор педагог олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Жумладан, Б.Р.Адизов, Р.Ш. Ахлидинов, Р.Жураев, Х.Ибрагимов, О.Р. Жамолдинова, Ш.Ш.Олимов, О.Мусурмонова, М.Ҳ.Маҳмудов, А.Р.Ҳамроев, Н. Муслимов, М.Т. Мирсолиева, Р.Ғ.Сафарова, Ш.Шариповлар тадқиқотларида таълим жараёнига инновацион ёндашувнинг имкониятлари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Шунингдек, Б.С. Абдуллаева, Д.Н. Ашурова, Н.Р. Ашуров, А.С. Акрамова, С.Й.Ахмадалиев, И.Т.Алиев, А.Қ.Айматов, М.У.Баротов, М.Жумаев, М.Э.Мусаева, А.А.Саломов, Д.Юнусова, М.Тожиев, Т.У. Утапов, Ш.М.Юнусова, Д.И.Юнусова, Н.М. Эгамбердиева, С.Қаҳҳоров, Ф.М. Қосимов, Ф.М.Қўчқаровлар фанлараро алоқадорликни назарда тутган ҳолда таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг назарий-методик жиҳатлари ўз аксини топган.

Б.Р.Адизов, Н.У.Бикбаева, З.Тажиева, Ф.Б.Валихўжаева, Г.Э.Джанпеисова, М.Жумаев, Р.Ибрагимов, Ф.Р.Кадирова, З.Р.Кадирова, Ш.М.Мирзааҳмедова, Г.Н. Нажмиддинова, Ш.Р.Райҳонов, Ш.А.Содиқова, М.И.Тошпўлатова, М. Умарова, З.Л. Умуров, М.Р. Халилова, А.Р.Ҳамроев, Э.Ж.Холмирзаев, З.Ў.Ҳожиева, Г.А.Якубовалар бошланғич ва мактабгача таълимни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот олиб борган.

Муаммонинг психологик жиҳатларини В.Каримова, З.Т.Нишонова, С.Л.Рубенштейнлар ўрганган бўлиб, ёш даврлари психологиясини ташхислаш, шахс психик билиш жараёнлари ва унинг ривожланиши илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Дж.Дьюи, А.Б.Ларина, М.И. Моро, А.М. Пишкало М. Н. Скаткинларнинг

тадқиқотларида ўқувчиларда билиш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан R.Arum, M.Velez, G Elke, Sch Peter, Michael Grossleyлар таълим жараёнини технологик ташкил этиш муаммосини ўрганган бўлса, E. P. Torrance, J.Bruner узлуксиз таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятининг ўзига хос томонларини назарий-методологик жиҳатдан ёритиб берган.

Мактабгача ҳамда бошланғич таълим соҳасида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг методик жиҳатлари алоҳида монографик тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Бошланғич таълимга рақамли технологияларни татбиқ қилиш методикасини такомиллаштириш” (2019-2022) йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш негизида компетенциявий ёндашув йўллари очиқ бериш, шунингдек, замонавий технологияларни таълим-тарбия амалиётида қўллаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабга тайёрлов гуруҳи ва бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда таълим мазмунига аниқлик киритиш;

мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида педагогик компетентликни ривожлантириш тузилмасининг узлуксизлашган ва узвийлашган компонентлари мазмунини такомиллаштириш;

таълим тизимида узвийликни таъминлаш бўйича электрон дастурий таъминотни, педагог фаолиятининг ташкилий-методик босқичларини такомиллаштириш;

таълим жараёни иштирокчиларининг фанларга оид тасаввурларини шакллантиришда узвийликни таъминлаш самарадорлигини оширишнинг технологик босқичларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабгача ва бошланғич таълим тизимида узвийликни таъминлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Нукус ва Бухоро шаҳарлари, Навоий, Фарғона вилоятларидаги мактабгача таълим ташкилотлари тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари ҳамда 1-синф ўқувчилари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш муаммосига оид педагогик шарт-шароитларни такомиллаштириш ҳамда таълим жараёнига татбиқ этишнинг мазмуни, методлари, шакли ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, кузатиш, социометрик (сухбат, анкета, тест), педагогик-психологик

ходисаларнинг тизимли таҳлил, педагогик эксперимент, математик-статистик метод ҳамда натижаларни умумлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш ўқувчиларининг боғланишли нутқи вербал ва новербал мулоқот давомида нутқий ва лингвистик, коммуникатив, ўйин, ижтимоий ва билиш компетенцияларининг зарурий шаклланганлик даражаси ва нутқнинг грамматик тузилишига оид зарурий мотив ва таълимий эҳтиёжларни рефлексив уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

қуйи босқич таълим тизимида узвийликни таъминлашга йўналтирилган диагностик компонентнинг тизимли, шахсга йўналтирилган, компетенциявий, квалитетрик ёндашувлари, методологик компонентнинг ўз устида ишлаш, креативлик, амалий компонентнинг когнитив ва эмоционал ҳамда натижавийлик компоненти ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини ривожлантириш мезонлари асосида такомиллаштирилган;

мактабгача ва бошланғич таълимда узвийликни таъминлашга хизмат қиладиган ўқувчиларининг мантиқий, ижодий фикрлашини ривожлантириш ва шахснинг интеллектуал қобилиятини ўстириш, ҳозиржавобликка ўргатиш, эвристик изланишга йўналтириш каби шартлари ўқув топшириқлари, матнли масалалар, мантиқий савол ва топшириқлар, эвристик машқлар ҳамда савол-жавоблар, паузали ўқиш, матн устида ишлаш, дидактик вазиятларни туркумлаштириш ва қўллашга доир дидактик топшириқлар ишлаб чиқилган;

мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш самарадорлигини оширишда фойдаланиладиган топшириқлар ўқувчиларда мантиқий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари, болаларнинг муносабат, фаолият ва мулоқот маданияти, маънавий-иродавий, ижобий ҳиссий каби шахсий сифатларни интеллектуал ривожланиш траекторияси билан интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мактабгача ва бошланғич таълимда математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлашга оид назарий-эмпирик ёндашувлар, ўқув предметларга оид тасаввурларни шакллантиришда ўзига хос хусусиятларни инобатга олиб методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим муассасаси ва умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлиги модели асосида “Моҳир қўллар”, “Ёш математиклар”, “Ёш табиатшунослар” тўғараклари учун ишчи дастур ва режалар тузишда фойдаланилган;

«Мактабгача ва бошланғич таълимда математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлаш бўйича топшириқлар тизими» электрон дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида



аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари илмий-назарий асосланганлиги, мактабга тайёрлов гуруҳи ва бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув предметларига оид тасаввурларини шакллантириш учун узвийликни таъминлаш моделини ишлаб чиқиш орқали жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабга тайёрлов гуруҳи ва бошланғич синф ўқувчиларининг математик тасаввурларни шакллантириш амалиётида, бошланғич синфларда ўқитиш методикасига доир дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишда, маъруза матнлари тузишда зарур манба бўлади. Шунингдек, ўқитувчилар учун ўқувчиларнинг нутқини ривожлантиришга йўналтирилган илмий семинарлар, тренинглар ўтказишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг методик имкониятлари бўйича олинган натижалар асосида:

мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш ўқувчиларининг боғланишли нутқи вербал ва новербал мулоқот давомида нутқий ва лингвистик, коммуникатив, ўйин, ижтимоий ва билиш компетенцияларининг зарурий шаклланганлик даражаси ва нутқнинг грамматик тузилишига оид таклифлар “Математика ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сон буйруғи, 648-004-рақамли нашр гувоҳномаси). Натижада, мактабга тайёрлов гуруҳи ва бошланғич синф ўқувчиларининг математик тасаввурларини шакллантириш ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий-педагогик фаолиятга креатив тайёрлашга хизмат қилган;

куйи босқич таълим тизимида узвийликни таъминлашга йўналтирилган диагностик компонентнинг тизимли, шахсга йўналтирилган, компетенциявий, квалиметрик ёндашувлари, методологик компонентнинг ўз устида ишлаш, креативлик, амалий компонентнинг когнитив ва эмоционал ҳамда натижавийлик компоненти ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини ривожлантиришга оид таклифлардан Бухоро давлат университетида 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 2 февралдаги 01-01/01-1267-сон маълумотномаси). Натижада, мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларини бошланғич таълимга асосланган ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш методларидан самарали фойдаланиш кўникмалари ва ўқув предметларга оид тасаввурлари шакллантирилган;

мактабгача ва бошланғич таълимда узвийликни таъминлашга хизмат қиладиган ўқувчиларининг мантиқий, ижодий фикрлашини ривожлантириш ва шахснинг интеллектуал қобилиятини ўстириш, ҳозиржавобликка ўргатиш, эвристик изланишга йўналтириш каби шартлари ўқув топшириқлари, матнли масалалар, мантиқий савол ва топшириқлар, эвристик машқлар ҳамда савол-жавоблар, паузали ўқиш, матн устида ишлаш, дидактик вазиятларни туркумлаштириш ва қўллашга оид таклифлардан 2017-2018 йилларда бажарилган А-5-37 рақамли “Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларини шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 2 февралдаги 01-01/01-1267-сон маълумотномаси). Натижада, мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларининг дастлабки математик билимларини шакллантириш орқали бошланғич таълимга бўлган мотивациясини ривожлантиришга эришилган;

мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш самарадорлигини оширишда фойдаланиладиган топшириқлар ўқувчиларда мантиқий фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари, болаларнинг муносабат, фаолият ва мулоқот маданияти, маънавий-иродавий, ижобий ҳиссий каби шахсий сифатларни интеллектуал ривожланиш траекторияси билан интеграциясини таъминлашга оид тавсиялардан таълим жараёнида фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 2 апрелдаги 02-07-901/04-сон маълумотномаси). Натижада, семинар-тренинг, китобхонлик кечалари, маърифий тадбирларни ўтказиш режалари мазмунан оптималлаштирилиб, муаммоли, ҳамкорликда ўқитиш жараёни такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этирилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8та мақола: 6та республика ва 2та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва

вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг илмий-назарий асослари**» деб, номланган биринчи бобида мактабгача ва бошланғич таълим тизимида фанларга оид тасаввурларни шакллантиришга оид ёндашувларнинг педагогик-концептуал асослари, хорижий тажрибалар, мактабгача ва бошланғич таълим тизimini модернизациялашнинг афзалликлари ва имкониятлари ёритиб берилган.

Тадқиқотимизга оид кузатиш ва тажрибаларга кўра, мактабгача ва бошланғич таълимда тизимли узвийлик етарлича таъминланмаганлиги маълум бўлди. Шу боис, мактабгача таълим тайёрлов гуруҳи ва 1-синф технология, математика, атрофимиздаги олам таълим жараёнида ўқувчиларни фанларга оид тасаввурларни шакллантириш бўйича узвийликни таъминлашнинг шакл, усул ва методларини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мавзуга тегишли адабиётлар ҳамда таълим муассасаларидаги мавжуд ўқитиш ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, мактабгача ва бошланғич таълимда таҳсил олувчиларни ўқув предметларига оид тасаввурларини шакллантиришга хизмат қилувчи узвийликни таъминлашни такомиллаштириш муаммолари ечимига қаратилган тадқиқот ишлари етарли даражада эмас. Фикримизча, мактабгача ва бошланғич таълимда таҳсил олувчиларнинг ўқув предметларига оид тасаввурларини шакллантиришда узвийликни таъминлаш янги ёндашувларини тақозо этади. Бунинг учун эса қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: илмий асосланган ва тажрибадан ўтказилган методикани амалиётга татбиқ этиш; таълим-тарбия жараёнида тарбиячи тарбияланувчининг ижодий тафаккурини шакллантиришга, ақлий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга ҳамда фаоллигини таъминлашга йўналтирилган механизмларни такомиллаштириш; мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида мактаб ўқув предметларига оид тасаввурларни шакллантиришга йўналтирилган машғулотларда бериладиган билим, ҳосил қилинадиган кўникма ва малакани маълум тизим, изчиллик ва узвийликда олиб бориш; мактабгача ёшдаги болаларнинг саводхонлик элементларини шакллантиришнинг назарий ва амалий аҳамияти, шу жараёнида таъминловчи педагогик тизим, ҳамда унга кирувчи топшириқлар тизими, уларни амалга оширишнинг илмий асосланган методикаси боғча ёшидаги болалар илк саводхонлигини ривожлантиришга, уларни таълимнинг кейинги босқичи бошланғич синфларда муваффақиятли таълим олишга йўналтирилган фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Юқоридаги назарий асосларга таянган ҳолда мактабгача ва бошланғич таълимда узвийликни таъминлаш тузилмасини қуйидаги кўринишда тасвирлашни тавсия этамиз (1-расмга қаранг).



**1-расм. Мақтабгача ва бошланғич таълимда тизимли узвийликни таъминлаш тузилмаси**

Зеро, мақтабгача ва бошланғич таълимда узвийликни таъминлаш жараёнида қуйидаги асосий йўналишлар таъминланади: тарбияланувчи ва ўқувчи онгида математик, технологик, табиий, илмий дунёқараш шаклланиши учун бир-бирига яқин қонунлар, формулалар ва ғояларга таяниб тушунчалар тизимини шакллантириш; аралаш, мазмунан яқин ўқув материаллари учун умумий бўлган ва, биринчи навбатда, ўқув режалариаро алоқадорлик, узвийлик тамойили ҳамда методларига таянган ҳолда кўникма ва малакаларни ривожлантириш; болаларнинг оддий тасаввурларини ўстириш ва 1-синф технология, атрофимиздаги олам, математикага ўқув предметларига оид материалларни ўрганишда умумий бирлик тизимларидан ҳамда тушунчалардан фойдаланиш; билим ва тушунчалараро узвийлик тамойили асосида таълим жараёни учун турли мисол ва масалаларни танлаш.

Диссертациянинг «**Мақтабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш методикаси**» деб номланган иккинчи бобда мақтабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш устида ишлаш шакл, восита ва усуллари, узвийликни таъминлаб ўқитишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш йўллари баён этилган.

Бугунги кунда мақтабгача ва бошланғич таълимда мактаб ўқув предметларига оид тушунчаларни ўргатиш борасида тизимли узвийликни таъминлаш учун тизимга замонавий ахборот технологияларини жадал татбиқ этиш, ўқув машғулоти учун мультимедиа воситаларини, дидактик интерфаол машқларни, виртуал топшириқларни ҳамда таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини яратиш, уларни амалиётда қўллаш орқали таълим сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари воситаларини таълим жараёнида жорий этиш орқали тарбияланувчи ва ўқувчиларни ижодий ҳамда танқидий фикрлаш қобилиятини, мақбул қарор қабул қилиш малакасини, коммуникатив компетентлигини, креатив потенциалини шакллантиради. Шунингдек, боланинг мактабга тайёрлик даражаси индикаторларининг ривожлантирилишини таъминлайди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Мактабгача ва бошланғич синфларни ўқитишда узвийликни таъминлаш имкониятлари

Шакллари	Турлари	Кўринишлари
Таркиби бўйича	Мазмунли  Методик  Ташкилий	Сон ва санок. Миқдор, катталиқ. Геометрик шакллар. Фазода мўлжал олиш. Вақт бўйича илк тушунчалар. Жонли ва жонсиз табиат, лой иши, аппликация, қуриш яшаш(қўл иши) Фойдаланиладиган янги педагогик технологиялар бўйича Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакл ва методлари бўйича
Йўналиши бўйича	Бир томонлама, икки томонлама, кўп томонлама	Мактабгача таълим ва бошланғич таълимда фанларни ўқитишда фойдаланиш имкониятлари
Узвийлик ва алоқадорликни ташкил этувчи элементлар билан ўзаро боғланишлар усули бўйича (алоқадорлик вариантларининг турли-туманлиги)	Хронологик  Хронометрик	Изчил Синхрон Истиқболли  Локал Ўртача таъсир қилувчи Узоқ вақт амал қилувчи


Мактабгача ва бошланғич синфларда ўқув предметларига оид тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлаш рақамлар, геометрик шакллар, сон ва ҳисоблашлар, вақт тасаввурларини

шакллантириш, жонли ва жонсиз табиат, аппликация, қуриш яшаш, лой иши каби тушунчалардан фойдаланиб, тафаккур ва илмий дунёқарашни шакллантиришнинг методологик ҳамда дидактик асосларини яратиш, таълим мазмуни ва сифатини оширувчи илмийлик, мунтазамлилик, онглилик таълимнинг амал қилишнинг таркибий қисмларини, илмий билимлар тизимининг алоҳида қисмлари илмий тушунчалар, қонуниятлар, назариялар, мажмуали муаммолар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ўзига хосликка эга бўлиб, булар дарс жараёнида турли восита, шакл ва методлар ёрдамида амалга оширилади.

Тажриба ва кузатишларимиз шуни кўрсатадики, мактабгача ва бошланғич таълимда узвийликнинг даражалари сифатида методологик, умумпедагогик, дидактик даражаларини ажратиш мумкин. Таълимда узвийликнинг методологик даражаси сифатида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ривожланиш қонунлари, қонуниятлари ва принциплари тушунилади. Бунда узвийлик принципи ўқув-билишдаги методологик принцип сифатида қаралиб, диалектика қонунларининг инъикосини ифодалайди. Бу даражада узвийлик принципи, унинг энг муҳим хоссаларини, яъни ўқув-билишнинг динамизмини, билимларнинг соддадан мураккабга ҳаракати ва ривожланиши, ўқув-билишдаги диалектик сакрашларнинг мавжудлигини ажратишга имкон беради.

Мактабгача ва бошланғич таълимда узвийликни таъминлаш мақсадида ташкил этганларимиз – маҳорат дарслари, семинар тренинглар, “Ёш табиатшунослар”, “Моҳир қўллар” “Ёш математиклар” тўгараклари фаолияти йўлга қўйилганлиги ўзининг ижобий самарасини берди. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчилари билан ҳамкорлик тизими асосида ўтказилган ўқув-тарбиявий тадбирлар руҳий соғломлик, сенсор соғломлик, ғоявий (фикр) соғломликка таъсир этувчи иллатларга қарши курашувчанлик, соғлом тафаккур, соғлом дунёқараш, ақлан ва руҳан салоҳиятли ижодий қобилиятлари бор ўқувчиларнинг мактаб ўқув предметларига оид тасаввурларини ривожлантиришга хизмат қилиши аниқланди.

Тадқиқотимиз давомида мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш модели такомиллаштирилди (2-расмга қаранг). Бу моделда ўқитиш жараёни ва натижалари очиқ берилади, бу жараён ва натижалар аниқ тизимли сифатлар – мактабгача ва бошланғич таълим математика, технология, атрофимиздаги олам фанларидан компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастури, дарслик, мультимедиа иловали қўлланмалар таҳлилини ўз ичига олган, мазмунан компетентлилик гуруҳлари билан тавсифланган. Ўқув-тарбиявий фаолият натижасида “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактаб ёшидаги болаларни ривожлантиришга оид давлат талаблари” ва Давлат таълим стандартларига кўра ўқувчиларнинг билим даражалари ўқув предметларидан юқори кўрсаткичларга эга бўлиши зарур.



**2-расм. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув предметларига оид тасаввурларини шакллантиришда узвийликни таъминлаш модели**

Ушбу мактабгача таълим муассасаси ва умумий ўрта таълим мактаблари ҳамкорлиги модели асосида қуйидагилар амалга оширилди: “Ёш табиатшунослар”, “Моҳир кўллар” “Ёш математиклар” тўғараклари фаолиятининг педагогик ҳамкорлик режалари тайёрланди; мактабгача ва бошланғич таълимда узвийликни таъминлаш мезонлари ҳамда медиа технологиялардан фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган мактаб таълимининг давлат таълим стандарти, ўқув режа ва ўқув дастурларида компетенциявий ёндашувга асосланган таълим мазмуни “анъанавий таълимда устун бўлган “билиш парадигмаси” ўрнига “билимлардан муаммоли вазиятларда ўринли фойдаланиш” парадигмаси устунлик қилмоқда”.

Албатта, бундай ёндашув билиш парадигмасини инкор этмайди, чунки ҳар қандай амалий фаолият ибтидоси билим эканлиги маълум. Фақат бу ёндашув уни муаммоли вазиятларда кўллай олиш парадигмасига бўйсунадиган орқа режадаги парадигма мақомига туширади. Тасаввур қилайлик, бир одамнинг машинаси бор. Бу одам машинанинг ички ва ташқи тузилиши, қисмлари ва уларнинг вазифаларини, йўл қоидаларини билсаю, лекин унда машина ҳайдаш кўникмаси бўлмаса, автоулов борлигининг кишига қандай фойдаси бор?! Худди шу каби таълим жараёнида ўқувчи фанлардаги қонун, қоида, таърифларни ёдлагани ҳолда уларни қачон, қаерда ва қай тарзда кўллашни билмаса, ҳаётда ўз ўрнида ишлата олмайди ва бу маълумотлар аста-секин уларнинг хотирасидан ҳам кўтарилиб кетади.

<p>Мутаносибликнинг йўқлиги</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Узлуксиз таълим турлариаро фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда объект ва субъект танлови ва мазмунида номутаносибликлар мавжуд;</li> </ul>
<p>Вақтнинг беҳуда сарфланиши</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Такрорланиш ва ортиқча вақт эвазига ўқитувчи ва ўқувчининг вақти беҳуда сарфланади;</li> </ul>
<p>Мавзулар такрорланиши</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Узлуксиз таълим турлариаро босқичларда мавзуларнинг айнан ёки мазмунан такрорланиши мавжуд;</li> </ul>
<p>Айрим мавзуларга соат ҳажмининг кўплиги</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Таълим босқичларида айрим мавзуларга ортиқча вақт ажратилган. Назарий машғулотларга кўп вақт ажратилган</li> </ul>

3-расм. Ўқув предметлари дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашдаги муаммолар

Бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқув предметлари мазмунини таҳлил қилар эканмиз, уларда турли ўқув предметларининг мазмунида ўзаро яқин ва ўхшаш тушунчалар баён қилинган бўлиб, ўқувчининг вақти ва



кучини тежаш, ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмунини бойитиш асосида уларга сарфланадиган маблағни асосли камайтириш, ўқув режасини оптималлаштириш, шу асосда таълим мазмунини интеграциялаш, турли дастур ва дарсликларда такрор берилган мавзу ҳамда тушунчаларни унификациялашга эҳтиёж мавжудлигини кўрамиз. Шу мақсадда қуйида келтирилган таҳлил амалга оширилди ва бошланғич ва мактабгача таълим мазмунини такомиллаштириш зарурати илмий жиҳатдан асосланди (3-расмга қаранг).

Кузатишларимиз натижасида аён бўлдики, бошланғич ва мактабгача таълим дастурларининг узвийлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ўрганиб чиққанимизда қуйидаги ҳолат кузатилди (2-4-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўқув предмети Таълим турлари	Технология		
	мактабгача таълимда	умумий ўрта таълимда	мактабгача ва умумий ўрта таълимда
Такрорланган мавзулар сони	2	3	5
Узвийлиги таъминланмаган мавзулар сони	4	4	3
Назарийдан амалийга ўтказилиши таклиф этилаётган мавзулар сони	-	1	
Қисқартиришга таклиф этилган мавзулар сони	2	1	
Янги киритишга ёки такомиллаштиришга таклиф этилаётган мавзулар сони	-	16	
Халқаро тадқиқотлар (PISA PIRLS TIMMS) бўйича киритиладиган мавзулар сони			

3-жадвал

Ўқув предмети Таълим турлари	Математика		
	Мактабгача таълимда	Умумий ўрта таълимда	Мактабгача ва умумий ўрта таълимда
Такрорланган мавзулар сони	6	5	10
Узвийлиги таъминланмаган мавзулар сони	3	5	11
Назарийдан амалийга ўтказилиши таклиф этилаётган мавзулар сони	2	3	
Қисқартиришга таклиф этилган мавзулар сони	6	7	
Янги киритишга ёки такомиллаштиришга таклиф этилаётган мавзулар сони	-	4	
Халқаро тадқиқотлар (PISA PIRLS TIMMS) бўйича киритиладиган мавзулар сони	-	-	

Ўқув предмети	Атрофимиздаги олам (табiiй фанлар)		
	Мақтабгача таълимда	Умумий ўрта таълимда	Мақтабгача ва умумий ўрта таълимда
Такрорланган мавзулар сони	2	3	6
Узвийлиги таъминланмаган мавзулар сони	4	4	3
Назарийдан амалийга ўтказилиши таклиф этилаётган мавзулар сони	3	5	
Қисқартиришга таклиф этилган мавзулар сони	7	3	
Янги киритишга ёки такомиллаштиришга таклиф этилаётган мавзулар сони	5	3	
Халқаро тадқиқотлар (PISA PIRLS TIMMS) бўйича киритиладиган мавзулар сони			

Таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида ўқувчиларнинг оғзаки, монологик ва диалогик нутқининг тушунарли, равон, таъсирчан бўлиши, матн мазмунини тушунишлари, сўзларни такрорлашдан сақланишлари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда баён этишда мантиқий изчилликнинг таъминланиши, нутқ софлиги ва аниқлигига эришиш муҳим талаблардан эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тажриба-синов ишларининг натижалари самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида мақтабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг мазмуни, методикаси ва таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш қўйидаги тартибда амалга оширилди: 1. Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди. Булар қўйидагилардан иборат: асословчи – мақтабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлаш жараёнининг методик имкониятлари ва мавжуд ҳолати ўрганилди; шакллантирувчи – мақтабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари асослаш орқали таълим амалиётига жорий этилди; аниқлаштирувчи – шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг самарадорлиги ҳамда мақтабгача ва бошланғич таълим тизимида узвийликни таъминлаш динамикаси аниқлаштирилди; 2. Мақтабгача ва бошланғич таълим жараёнида фанларга оид тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминланганлик даражасини баҳолаш мезонларига мувофиқ тажриба-синов ишлари натижавийлигини ташхис этиш тизими ишлаб чиқилди; 3. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган мақтабгача ва бошланғич таълим тизимида

узвийликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини амалга ошириш орқали олинган натижалар таҳлил этилди.

Ушбу келтирилган методлар асосида Бухоро, Навоий, Фарғона вилояти ва Нукус шаҳрининг мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синовда иштирок этган тарбияланувчилар ва ўқувчилар сони келтирилган (5-жадвалга қаранг).

**5-жадвал**

№	Вилоятлар	Тарбиячи ва ўқитувчилар	Тарбияланувчилар	Ўқувчилар
1.	Бухоро	27	48	60
2.	Навоий	28	50	55
3.	Фарғона	26	46	58
4.	Нукус	27	45	61
	Жами	108	189	234

Статистик формулалардан фойдаланган ҳолда тажриба-синов ишларидаги тайёрлов гуруҳларидаги дастлабки ва тажриба якунида олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган (6-жадвалга қаранг).

**6-жадвал**

Таълим муассасалари	Синфлар	Ўртача киймат		Самардорлик	Танланма Дисперсия		Стандарт хатолик	
		ТС	НС		ТС	НС	ТС	НС
Тажриба бошида	Бухоро	3,63	3,64	1,00	0,53	0,53	0,73	0,73
	Навоий	3,63	3,63	1,00	0,52	0,51	0,72	0,71
	Фарғона	3,63	3,63	1,00	0,51	0,53	0,71	0,73
	Нукус	3,65	3,63	1,01	0,53	0,52	0,73	0,72
	Жами	3,64	3,63	1,00	0,52	0,52	0,72	0,72
Тажриба охирида	Бухоро	4,07	3,66	1,11	0,49	0,55	0,70	0,74
	Навоий	4,01	3,65	1,10	0,50	0,52	0,71	0,72
	Фарғона	4,03	3,67	1,10	0,49	0,55	0,70	0,74
	Нукус	4,08	3,66	1,11	0,50	0,52	0,71	0,72
	Жами	4,04	3,66	1,10	0,50	0,53	0,71	0,73

Ушбу 6-жадвалда келтирилган сонли маълумотлар асосида қуйидагиларни ҳосил бўлди (7-жадвалга қаранг).


7-жадвал

Ишончлилиқ оралиғи				Т <sub>кузатув</sub> - Стъудент	Озодлик даражаси	Т <sub>кр</sub> -Критик қиймат	Критерий хулоса
ТС		НС					
3,50	3,76	3,51	3,77	0,11	237,92	1,97	$T_{кр} > T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_0$ қабул қилинади
3,50	3,75	3,50	3,75	0,02	248,00	1,97	$T_{кр} > T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_0$ қабул қилинади
3,50	3,77	3,49	3,76	0,09	227,92	1,97	$T_{кр} > T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_0$ қабул қилинади
3,52	3,79	3,50	3,76	0,24	222,89	1,97	$T_{кр} > T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_0$ қабул қилинади
3,57	3,70	3,57	3,70	0,09	942,97	1,96	$T_{кр} > T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_0$ қабул қилинади
3,94	4,19	3,52	3,79	4,42	236,89	1,97	$T_{кр} < T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_1$ қабул қилинади
3,88	4,13	3,53	3,78	3,93	247,74	1,97	$T_{кр} < T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_1$ қабул қилинади
3,90	4,15	3,53	3,81	3,74	227,33	1,97	$T_{кр} < T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_1$ қабул қилинади
3,95	4,21	3,53	3,80	4,36	222,97	1,97	$T_{кр} < T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_1$ қабул қилинади
3,98	4,11	3,59	3,73	8,21	941,38	1,96	$T_{кр} < T_{кузатув}$ бўлганлиги учун $H_1$ қабул қилинади

4-жадвалдаги статистик қийматлар, самарадорлик коэффиценти, ишонч оралиқлари ва кузатув қиймати билан критик қийматлар таққосланганда тажриба ва назорат синфи ишларининг дастлабки босқичидаги ўзлаштириш бир хил эканлиги ва уларнинг билим даражаси орасидаги фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатди. Яқунловчи босқичда эса бу фарқ мавжуд бўлиб назорат синфларига нисбатан тажриба синфларида ўқитиш самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатади. Ушбу жадвалдаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда мактабгача таълим тарбияланувчилари ва 1-синф ўқувчиларининг ўзлаштириш динамикасини ҳосил қиламиз (4-расмга қаранг).

Олинган сонли натижалардан маълум бўлдики, тажриба бошидаги натижалар тажриба синфларидаги ўзлаштириш назорат синфларидаги ўзлаштиришдан юқори эмаслиги ва билим даражалари бир хил эканлиги маълум бўлди. Тажриба охиридаги натижаларда эса тажриба синфларида самарадорлик натижаси Бухоро вилоятларидаги таълим муассасаларида 14%, Навоий ва Фарғона вилоятларидаги таълим муассасаларида 13%, Нукус шаҳридаги таълим муассасаларида 12%, барча таълим муассасаларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларига нисбатан 13 %га ўсганини кўрсатди.

## Тажриба-синов натижаларининг кўрсаткичлари



4-расм. Тарбияланувчилар ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш динамикаси

### ХУЛОСАЛАР

1. Мактабгача ва бошланғич таълим тизимини модернизациялашнинг амалиётдаги аҳолини педагогик таҳлил қилиш, узвийликни таъминлашнинг дидактик имкониятлари, уларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқиш ижобий самара гарови ҳисобланади.

2. Мактабгача ва бошланғич таълим тизимида узвийликни таъминлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш таълим сифат ва самарадорлигини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг педагогик тизими ва узвийлигини (мазмун, методикаси, шакли ва воситалари, усуллари) ўзаро интегратив ҳамкорлик асосида ривожлантириш, замонавий педагогик технологиялар, интерфаол методлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш орқали амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Глобаллашув шароитида мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашда ахборот технологиялардан фойдаланишнинг педагогик имкониятларини тарғиб қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

5. Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг методик имкониятларини такомиллаштиришнинг модулли технологияси китобхонлик, ғоявий-сиёсий саводхонлик ва шахсга йўналтирилган тарбия технологияларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилганлиги тарбиявий жараёнларда фойдаланишда муҳим роль ўйнайди.

6. Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг тамойиллари (яхлит, индивидуал, табақалаштирилган) таркибига мактабга тайёрлов гуруҳи ва бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиш функцияларини (билиш, фарқлаш, мотивация, баҳолаш, эътиқодга

оид) киритиш асосида аниқлаштириш, ўқув тарбиявий жараёни таълимнинг замонавий шаклларида, ижтимоий лойиҳалардан фойдаланиш асосида ташкил этиш самарали натижалар беради.

7. Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг методик имкониятлари ҳамда мониторинг кўрсаткичлари самарадорлигини аниқлашда мавзу доирасида аниқ индикаторлардан фойдаланиш, аниқ методикага таяниш ва олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасини математик-статистик таҳлил этиш, умумлаштириш, баҳолаш тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда ҳаққонийлигини таъминлади.

## ТАВСИЯЛАР

1. Мактабгача ва бошланғич таълим тизимида узвийликни таъминлаш омилларини ривожлантириш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бу жараёнга олий ўқув юр்தларининг мактабгача ҳамда бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш таълим йўналиши бакалаврият босқичларидаёқ жиддий эътибор қаратиш керак бўлади.

2. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчиларининг узвийликни таъминлаш юзасидан касбий компетентлигини шакллантириш учун уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш ва уларнинг фаолият давомийлигига қараб касбий компетентлик даражасини онлайн диагностика қилиб бориш муҳим.

3. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида мактабгача ва бошланғич таълимда узвийликни таъминлашнинг омиллари, механизмлари, усуллари ҳақида семинар тренинглар, давра суҳбатларини мунтазам равишда ташкил этиб бориш мақсадга мувофиқ.

4. Мактабгача таълимнинг “Илк қадам” ва бошланғич синф математика ўқув дастурлари тўла мутаносиб бўлиши ҳамда шу мутаносибликка риоя қилинган ҳолда таълим-тарбияни амалга ошириш мактабгача ва бошланғич таълимда математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Янги дастур ва дарсликлар яратилишида бунга эътибор қаратилиши зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАКИМОВА МЕХРИНИСО ХОМИТОВНА**

**МЕТОДИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
НЕПРЕРЫВНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ДОШКОЛЬНОГО И  
НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (начальное образование)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за №B2022.1.Phd/Ped655 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)), а также в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Касимов Файзулла Мухаммедович  
кандидат педагогических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Шодиев Ризамат Давронович  
доктор педагогических наук, профессор


Джумаев Мамамазар Иргашевич  
кандидат педагогических наук, профессор


**Ведущая организация:** Ургенчский государственный университет


Защита диссертации состоится на заседании Научного совета за №PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 при Бухарском государственном университете в \_\_\_\_\_ часов «\_\_» 2022 года. (Адрес: 200117, город Бухара, улица М.Икбола, дом 11. Тел.: (0 365) 221–29–14; факс: (0 365) 221–57–27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за №\_\_\_\_). (Адрес: 200117, город Бухара, улица М.Икбала, дом 11. Тел.: (0 365) 221–25–87).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(протокол реестра за № от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

  
С.К.Каххоров  
председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
педагогических наук, профессор

  
А.Р.Жураев  
секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
философии (PhD) по педагогическим  
наукам, доцент

  
Х.О.Жураев  
председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, доктор педагогических наук  
(DSc), доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость диссертации.** В мире уделяется отдельное внимание на вопросы по дальнейшему усовершенствованию системы дошкольного и начального образования, широкому использованию инновационных технологий и электронных образовательных средств в повышении качества образования, формированию представления и развития креативных качеств обучающихся. В государствах, как Южная Корея, Российская Федерация, Сингапур, Япония проводятся системные работы по обеспечению непрерывности в системе дошкольного и народного образования, развитию грамотности учащихся по чтению, применению словесного богатства в практике речевой деятельности, усовершенствованию игровых и социальных, а также познавательных компетенций.

В вопросах мирового образования и научных исследований осуществляются научные исследования по обеспечению интеграции науки и образования в преобразовании учащихся в активных субъектов образования, формировании коммуникативных компетенций на уровне требований международных стандартов. В дошкольном и начальном образовании уделяется внимание на научные исследования по усовершенствованию механизма развития речевых и вычислительных умений посредством медиатехнологий, разработке учебных заданий творческого и логического характера, направленных на точную, доступную и впечатляющую передачу своих мыслей с начальных классов.

В республике расширяются возможности внедрения инновационных приемов формирования мировоззрения молодого поколения посредством укрепления материально-технической базы модернизации сферы дошкольного и начального образования. В концепции развития системы дошкольного и народного образования до 2030 года установлены приоритетные задачи, как «Широкое внедрение современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий в образовательно-воспитательном процессе - одно из самых важных направлений дальнейшего развития дошкольного образования<sup>1</sup>; развитие научных исканий практического характера, направленных на изучение и научное обоснование альтернативных подходов, расширение использования современных образовательных технологий<sup>2</sup>».

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит осуществлению задач, установленных в Указе и Постановлениях Президента Республики Узбекистан “Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года” за

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сонли Қарори.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони.

№УП-5712 от 29 апреля 2019 года, “О мероприятиях дальнейшего совершенствования системы дошкольного образования в 2017-2021 годах” за №ПП-2707 от 29 декабря 2016 года, “О мероприятиях по коренному совершенствованию системы дошкольного образования” за № ПП-3261 от 9 сентября 2017 года, “О мероприятиях внедрения новых принципов управления в систему народного образования” за №ПП-3931 от 5 сентября 2018 года, “Об утверждении концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года” за №ПП-4312 от 8 мая 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Развитие инновационной экономики в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их осуществления”.

**Степень изученности проблемы.** Проблема педагогического проектирования образовательного процесса, креативного подхода к образованию всесторонне изучена рядом ученых-педагогов. В частности, в исследованиях Б.Р.Адизова, Р.Ш. Ахлидиноав, Р.Жураева, Х.Ибрагимова, О.Р. Жамолдиновой, Ш.Ш.Олимова, О.Мусурмоновой, М.Х.Махмудова, А.Р.Хамроева, Н.Муслимова, М.Т.Мирсолиевой, Р.Г.Сафаровой, Ш.Шарипова научно исследованы возможности инновационного подхода к образовательному процессу.

А также, теорико-методические аспекты обеспечения непрерывности в образовательном процессе с учетом межпредметной связи нашли свое отражение в работах Б.С. Абдуллаевой, Д.Н. Ашуровой, Н.Р. Ашурова, А.С. Акрамовой, С.Й.Ахмадалиева, И.Т.Алиева, А.К.Айматова, М.У.Баротова, М.Жумаева, М.Э.Мусаевой, А.А.Саломова, Д.Юнусовой, М.Тожиева, Т.У. Утапова, Ш.М.Юнусовой, Д.И.Юнусовой, Н.М. Эгамбердиевой, С.Каххорова, Ф.М. Косимова, Ф.М.Кучкаровой.

Б.Р.Адизов, Н.У.Бикбаева, З.Тажиева, Ф.Б.Валихаджаева, Г.Э.Джанпеисова, М.Жумаев, Р.Ибрагимов, Ф.Р.Кадирова, З.Р.Кадирова, Ш.М.Мирзаахмедова, Г.Н.Нажмиддинова, Ш.Р.Райхонов, Ш.А.Содикова, М.И.Тошпулатова, М. Умарова, З.Л. Умуров, М.Р. Халилова, А.Р.Хамроев, Э.Ж.Холмирзаев, З.У.Хожиева, Г.А.Якубова проводили исследования, направленные на усовершенствование начального и дошкольного образования.

В.Каримовой, З.Т.Нишоновой, С.Л.Рубенштейном изучены психологические аспекты проблемы, научно освещены диагностика возрастной психологии, процессы познания и развития психики личности.

Из ученых стран Содружества Независимых Государств Дж.Дьюи, А.Б.Ларина, М.И. Моро, А.М. Пишкало М.Н. Скаткин изучали проблемы формирования и развития познавательной деятельности учащихся.

Зарубежные ученые R.Arum, M.Velez, G Elke, Sch Peter, Michael

